

деди.

«Хоҳласанг, дуо қиламан. Хоҳласанг, сабр қил. Бу сен учун яхшидир», дедилар. «Дуо қилинг», деди. Бас, уни яхшилаб таҳорат қилишга ва икки рақъат намоз ўқиб, ушбу дуони ўқишга амр қилдилар: «Аллоҳумма, иннии асъялука ва атаважжаҳу илайка би Набиййика Муҳаммадин, набиййир-роҳмати! Йаа Муҳаммад! Иннии таважжаҳту бика илаа Роббии фии ҳаажати и ҳаазиҳии фатақзии лии! Аллоҳумма, шаффиъху фиййа!»

Термизий, Аҳмад, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Албатта, мен Пайғамбаринг Муҳаммад ила – раҳмат Пайғамбари ила Сендан сўрайман ва Сенга юзланаман.

Эй Муҳаммад! Албатта, мен сен ила Роббимга ушбу ҳожатим юзасидан уни чиқсин дея юзландим. Аллоҳим! Унинг мен ҳақимдаги шафоатини қабул қил».

Бошқа ривоятда: **«Бас, кўзи очилган ҳолда қайтиб кетди»,** дейилган.

Имом Табароний ушбу ҳадисдан олдин бир қиссани келтирганлар, унда қуйидагилар зикр қилинган:

«Бир одам Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳузурига ўзининг бир ҳожати юзасидан кириб-чиқиб юрарди. Усмон унга илтифот ҳам қилмас, унинг ҳожатини ҳам чиқармас эди. Ҳалиги одам Усмон ибн Ҳунайфга учрашиб, мазкур ҳолат ҳақида шикоят қилди.

Шунда Усмон ибн Ҳунайф унга: «Таҳоратхонага боргин-да, яхшилаб таҳорат қил. Кейин масжидга бориб, икки рақъат намоз ўқи ва «Аллоҳим! Албатта, мен Пайғамбаринг Муҳаммад ила – раҳмат Пайғамбари ила Сендан сўрайман ва Сенга юзланаман. Эй Муҳаммад! Албатта, мен сен ила Роббимга ушбу ҳожатим юзасидан уни чиқсин дея юзландим. Аллоҳим! Унинг мен ҳақимдаги шафоатини қабул қил», деб туриб ҳожатингни сўра. Сўнг олдимга келсанг, мен ҳам сен билан бирга бораман», деди.

Ҳалиги одам бориб, унинг айтганини қилди. Кейин Усмон ибн Аффоннинг эшигига борди. Бас, эшик оғаси келиб, унинг қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди ва Усмон ибн Аффон ўтирган жойга, унинг ёнига ўтирғизди. У «Нима ҳожатинг бор?» деб сўради. У ҳожатини айтди. Унинг ҳожатини чиқарди ва: «Шу вақтгача юравермай, ҳожатингни айтсанг бўлмасмиди? Бундан

кейин қандай ҳожатинг бўлса келавер», деди.

Кейин ҳалиги одам унинг олдидан чиқиб, Усмон ибн Ҳунайфнинг олдига борди ва: «Аллоҳ сенга хайр берсин. Сен айтиб қўймаганингда, у менга илтифот қилмас эди», деди.

Шунда Усмон ибн Ҳунайф деди: «Аллоҳга қасамки, мен унга ҳеч нарса деганим йўқ. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир кўр одамнинг келганини кўрдим. Ҳалиги одам у зотга кўзи кўр бўлиб қолганидан шикоят қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Сабр қила олмайсанми?» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, етакловчим йўқ. Жуда қийналиб кетдим», деди. «Таҳоратхонага бор. Таҳорат қилиб, икки ракъат намоз ўқи. Кейин ушбу дуоларни қил», дедилар.

Кейин биз тарқалмасимиздан олдин ҳалиги одам олдимизга кириб келди. Аллоҳга қасамки, у худди кўр бўлмагандек эди».

“Қарз ва унга боғлиқ масалалар” китобидан